

## IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йилнинг январь-декабрида республиканинг асосий капиталини кўпайтиришга 6046,4 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 162,2 фоизни ташкил қилди, шундан хорижий инвестициялар 1512,1 млрд. сўмни ташкил этди.

### Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз</i>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>6046,4</b>	<b>162,2</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>2709,8</b>	<b>398,5</b>	<b>44,8</b>
бюджет маблағлари	170,2	56,9	2,8
давлат мақсадли фонд маблағлари	477,8	225,6	7,9
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	972,1	1156,3	16,1
болалар спортини ривожлантириш фонди маблағлари	21,9	183,6	0,3
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	1067,8	2417,1	17,7

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз</i>
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>3336,6</b>	<b>109,4</b>	<b>55,2</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	1726,9	102,5	28,6
аҳоли маблағлари	560,4	109,4	9,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	444,3	122,8	7,3
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	605,0	122,9	10,0

#### **2018 йил январь-декабрга асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби**

	<i>жами</i>	<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>6046,4</b>	<b>758,9</b>	<b>5287,5</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	3105,4	584,7	2520,7
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари	2082,8	117,1	1965,6
Бошқа ҳаражатлар	858,2	57,1	801,2

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йилнинг январь-декабрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларининг улуши 2,0 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари қиймати улуши 5,5 фоизли пунктга ошган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 3,5 фоизли пунктга камайган.

2018 йил январь-декабрь ойларида марказлаштирилган молиялаштириш манбаларига 2709,8 млрд. сўм инвестиция маблағлари киритилиб, бу кўрсаткич жами инвестицияларнинг 44,8 фоизини ташкил этди, бу ўтган йилнинг январь-декабрига нисбатан деярли 4,0 баробар кўпдир. Ҳисобот даврида марказлаштирилмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 3336,6 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,4 фоизга ошди.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига 1726,9 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар жалб қилинди ёки жами инвестицияларнинг 28,6 фоизи ўзлаштирилди. Аҳолининг маблағлари ҳисобидан 560,4 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, жами инвестициялар ҳажмининг 9,3 фоизини ташкил этди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида 1067,8 млрд. сўмлик хорижий кредитлар ажратилди, бу эса 2017 йилга нисбатан 24,2 баробар кўпдир ёки жами инвестицияларнинг 17,7 фоизини ташкил этади.


Шу билан бирга, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан 605,0 млрд. сўм маблағлар киритилди (асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 10,0 %), бу ўтган йилга нисбатан 23,3 фоизли пунктга ошди, тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 444,3 млрд. сўм (7,3 %, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22,8 % га ошган), Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 972,1 млрд. сўм (16,1 %, ўтган йилга нисбатан 11,6 баробар ошган), Давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан 477,8 млрд. сўм (7,9 %, ўтган йилга нисбатан 2,3 баробар ошган) ва Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 21,9 млрд. сўм ёки асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 0,3 фоизи (ўтган йилга нисбатан 83,6 фоизга ошган) миқдоридан инвестициялар киритилди.

### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестиция ва кредитлар**


Ҳисобот даврида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни 2084,4 млрд. сўм электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турига, 1225,6 млрд. сўм тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашга ҳамда 912,0 млрд. сўм уй-жой қурилишига тўғри келди.

2018 йил январь-декабрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 34,5 фоизи (ўтган йилнинг мос даврида 1,6 %) электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турига, 20,3 фоизи (23,9 %) тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолият турига, 15,1 фоизи (21,9 %) уй-жой қурилишига, 4,9 фоизи (11,7 %) Ташиш ва сақлашга, 3,1 фоизи (1,7 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига, 1,8 фоизи (3,6 %) сув таъминоти, канализация, йиғиш ва утилизация қилишга, 1,3 фоизи (2,5 %) улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлашга ва 1,2 фоизи (4,8 %) қурилиш иқтисодий фаолият турига тўғри келди.


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган  
инвестиция ва кредитлар**  
(январь-декабрь ойларида, умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



2018 йил январь-декабрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби



**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга  
киритилган инвестициялар, жамига нисбатан фоиз ҳисобида**



**2018 йил январь-декабрь ойларида молиялаштириш манбалари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар**

	<i>Киритилган инвестициялар, млрд. сўм</i>	<i>Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %</i>	<i>Умумий ҳажмдаги улуши, %</i>
<b>Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан</b>	<b>6046,4</b>	<b>162,2</b>	<b>100,0</b>
Республика бюджети	170,2	56,9	2,8
<b>Давлат мақсадли жамғармалари</b>	<b>477,8</b>	<b>2,3 м.</b>	<b>7,9</b>
Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси	21,9	183,6	0,3
<b>Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси</b>	<b>972,1</b>	<b>11,6 м.</b>	<b>16,1</b>
Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланган чет эл кредитлари	1067,8	24,2 м.	17,7
<b>Корхоналар маблағлари</b>	<b>1726,9</b>	<b>102,5</b>	<b>28,6</b>
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	594,6	123,3	10,0
<b>Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар</b>	<b>444,3</b>	<b>122,8</b>	<b>7,3</b>
Аҳоли маблағлари	560,4	109,4	9,3

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг энг юкори ўсиш суръатлари Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар бўйича 24,2 баробарга, шунингдек Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўйича 11,6 баробарга ошган. Бу Тахиатош иссиқлик электр станциясида йирик инвестицион лойиҳа – ҳар бири 230-280 МВт қувватга эга бўлган иккита газ-буғ ускуналарининг қурилиши билан боғлиқ. Жамғарма томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларнинг ўсиш суръати 83,6 фоизга ошди, бу Амударё, Қораўзак ва Чимбой туманларидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида учта янги ёпиқ сузиш ҳавзасини қуриш ва ишга тушириш билан боғлиқ.

**Январь-декабрь ойларида асосий капиталга киритилган  
инвестициялар, млрд. сўм**

	2017 йил	2018 йил	2017 йилга нисбатан, фоиз ҳисобида
<b>Қорақалпоғистон Республикаси<sup>1)</sup></b>	<b>2632,5</b>	<b>6046,4</b>	<b>162,2</b>
Нукус ш.	1063,3	1147,5	84,3
<i>туманлар:</i>			
Амударё	90,3	155,4	125,3
Беруний	78,7	165,7	151,9
Қонликўл	22,5	88,9	184,9
Қораўзак	54,1	104,9	117,0
Кегейли	39,3	753,0	190,4
Қўнғирот	524,5	56,7	100,9
Мўйноқ	368,9	627,6	119,1
Нукус	32,1	114,3	2,6 м.
Тахиатош	30,8	2132,5	48,4 м.
Тахтақўпир	14,3	32,2	158,9
Тўрткўл	66,4	202,8	2,2 м.
Хўжайли	48,3	110,1	165,1
Чимбой	31,8	95,9	2,2 м.
Шуманай	30,7	56,3	131,6
Элликқалъа	123,8	202,6	115,5

<sup>1)</sup> шаҳар ва туманлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни қўйган ҳолда.



**2018 йил январь-декабрь ойларида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм**


	Асосий капиталга киритилган инвестициялар жами, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:			
		республика бюджети	корхоналар маблағлари	аҳоли маблағлари	хорижий инвестициялар ва кредитлар

<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>6046,4</b>	<b>170,2</b>	<b>1726,9</b>	<b>560,4</b>	<b>1512,1</b>
Нукус ш.	1147,5	59,5	470,1	176,8	63,3
<i>туманлар:</i>					
Амударё	155,4	8,4	13,9	54,1	-
Беруний	165,7	2,3	25,6	46,4	-
Қонликўл	88,9	4,0	33,5	14,0	-
Қораўзак	104,9	1,7	16,9	17,3	51,8
Кегейли	753,0	4,8	348,6	35,9	317,2
Қўнғирот	56,7	4,1	12,1	21,6	0,3
Мўйноқ	627,6	0,3	598,1	9,7	-
Нукус	114,3	5,6	12,3	45,9	2,5
Тахиатош	2132,5	0,3	63,3	16,7	1058,9
Тахтакўпир	32,2	3,7	8,3	3,2	1,9
Тўрткўл	202,8	59,5	35,6	32,1	-
Хўжайли	110,1	4,4	19,1	31,6	-
Чимбой	95,9	2,7	30,3	20,8	5,0
Шуманай	56,3	3,4	10,9	13,0	0,2
Элликқалъа	202,6	5,6	28,1	21,3	11,1

	Асосий капиталга киритилган инвестициялар жами, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:			
		давлат мақсадли жамғармалари	болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	қайта қуриш ва ривожлантириш жамғармаси	тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари

<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>6046,4</b>	<b>477,8</b>	<b>21,9</b>	<b>972,1</b>	<b>605,0</b>
Нукус ш.	1147,5	197,3	3,7	-	176,7
<i>туманлар:</i>					
Амударё	155,4	37,7	5,1	-	36,2
Беруний	165,7	25,4	-	-	66,0
Қонликўл	88,9	10,3	5,0	-	22,1
Қораўзак	104,9	11,9	-	-	5,3
Кегейли	753,0	24,9	-	6,3	15,3
Қўнғирот	56,7	13,2	-	-	5,4
Мўйноқ	627,6	12,8	-	-	6,7
Нукус	114,3	20,4	-	-	27,6
Тахиатош	2132,5	21,2	-	965,9	6,2
Тахтакўпир	32,2	5,5	-	-	9,6
Тўрткўл	202,8	25,4	-	-	50,2
Хўжайли	110,1	26,9	-	-	28,1
Чимбой	95,9	14,1	5,1	-	17,9
Шуманай	56,3	11,4	-	-	17,4
Элликқалъа	202,6	19,2	-	3,1	114,2

## Январь-декабрь ойларида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар, жамига нисбатан фоиз ҳисобида



### Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2018 йил январь-декабрида умумий майдони 812,6 минг кв.м. бўлган 5775 та уй-жой (2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 117,2 фоиз) шу жумладан қишлоқ жойларида 355,8 минг кв.м., 2843 уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 912,0 млрд.сўми ёки 59,8 фоизи турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари қурилишида 128,9 млрд. сўм атрофида инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 8,5 фоизини ташкил қилади.

Соғлиқни сақлаш объектлари қурилишида 68,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,5 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 362,2 км. узунликдаги ичимлик суви тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йил январь-декабрига нисбатан 4,9 фоизга ошган.


Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 109,1 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобига 43,4 млн. сўм, давлат бюджети маблағлари ҳисобига 109,1 млрд. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2018 йил январь-декабрида 1831,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 105,4 фоизни ташкил этди.


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 67,5 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари 11,9 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 20,6 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 73,5 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1749,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,5 фоизни (2017 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 109,5 фоизни) ташкил қилди.

**Январь-декабрь ҳолатига мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимои**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




**Январь-декабрь ойларида корхоналар турлари бўйича  
қурилиш ишлари ҳажми, млрд.сўм**



Жами қурилиш-пудрат ишлари таркибидаги “Бино ва иншоотлар қурилиши” фаолият тури бўйича 1236,9 млрд. сўмлик ишлар бажарилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 23,2 фоизли пунктга ошди. Шунингдек, “Фуқаролик объектлари қурилиши” фаолият тури бўйича 217,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,8 фоизли пунктга камайди. “Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари” фаолият тури бўйича 376,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилга нисбатан 5,2 фоизли пунктга ошди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми,  
жамига нисбатан фоиз ҳисобида**




Жами қурилиш ишлари ҳажмида янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуrolлантириш ишлари ҳажми 1346,1 млрд. сўмни ташкил этди. Капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ҳажми эса 485,4 млрд. сўмни ташкил этди.

2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник қайта қуrolлантириш ишлари 12,5 фоизли пунктга ошди. Капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ҳажми эса 28,2 фоизли пунктга камайди.

Қурилиш ишларининг турлари бўйича таҳлил ҳисобот даврида янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник қайта қуrolлантириш 4,1 фоизга ошганини ва мос равишда капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари 4,1 фоизга камайганини кўрсатмоқда.

**Январь-декабрь ойларида қурилиш ишлари, турлари бўйича, жамига нисбатан фоиз ҳисобида**




**Январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича  
қурилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм**

	2017 йил	2018 йил	2017 йилга нисбатан, % ҳисобида
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>1398,8</b>	<b>1831,5</b>	<b>105,4</b>
Нукус ш.	552,4	694,6	101,3
<i>туманлар:</i>			
Амударё	82,2	107,4	104,7
Беруний	71,5	89,2	100,1
Қонликўл	16,2	34,9	172,1
Қораўзак	20,3	28,2	111,0
Кегейли	23,7	31,5	106,4
Қўнғирот	221,5	309,2	112,8
Мўйноқ	26,2	33,8	103,7
Нукус т.	55,3	72,8	105,3
Тахياتош	49,4	61,8	100,8
Тахтақўпир	16,5	21,4	104,8
Тўрткўл	106,3	132,3	100,3
Хўжайли	31,8	45,1	112,7
Чимбой	36,2	50,2	111,5
Шуманай	14,6	19,9	109,4
Элликқалъа	74,7	99,2	107,2

2018 йил январь-декабрь ойларида республика бўйича қурилиш ишлари ҳажмида Нукус шаҳри (республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 37,9 %), Қўнғирот (16,9 %), Тўрткўл (7,2 %) ва Амударё (5,9 %) туманлари юқори улушларга эга.

Шунингдек, республика миқёсида қурилиш ишлари ҳажмида энг паст улушлар Шуманай (республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши (1,1 %), Тахтақўпир (1,2 %), Қораўзак (1,5 %), Кегейли (1,7 %) ва Мўйноқ (1,8 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

## 2018 йил январь-декабрь ойларида қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари




Ҳисобот даврида бажарилган қурилиш ишларининг юқори ўсиш суръати Қонликўл (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 172,1 %), Қўнғирот (112,8 %), Хўжайли (112,7 %) ва Чимбой (111,5 %) туманларида кузатилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида, бажарилган қурилиш ишларининг энг паст даражаси Беруний (ўтган йилга нисбатан 100,1 %), Тўрткўл (100,3 %), Тахиатош (100,8%) туманлари ва Нукус шаҳри (101,3%) да кузатилди.




**2018 йил январь-декабрь ойларида корхоналар турлари бўйича  
қурилиш ишлари ҳажми,  
жамига нисбатан фоиз ҳисобида**



Йирик корхоналар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг юқори кўрсаткичлари Кўнғирот (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 63,4 %), Тахياتош (51,4 %) ва Қонликўл (35,2 %) туманларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида Қораўзак, Мўйноқ, Нукус, Чимбой ва Шуманай туманларида қурилиш фаолияти билан шуғулланувчи йирик корхона ва ташкилотлар мавжуд эмас.

**Шаҳар ва туманлар кесимида қурилиш ишлари улуши,  
жамига нисбатан фоиз ҳисобида**



Ҳисобот даврида қурилиш ишлари бажариш ҳажмида энг катта улуш Нукус шаҳри (республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажмининг 37,9%), Қўнғирот (16,9%), Тўрткўл (7,2%) ва Амударё (5,9%) туманлари ҳиссасига тўғри келади.